
"Беш ташаббус олимпиадаси" спорт мусобақаларига давом этмоқда!

????Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги "Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-201-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 10-19 сентябрь кунлари 7-30 ёшгача маҳалла ёшлари ўртасида "Беш ташаббус олимпиадаси" мусобақаларининг биринчи босқичи ўтказилиши режалаштирилган.

????Риштон туманидаги 71 та маҳаллаларда Беш ташаббус олимпиадаси доирасида спортнинг Волейбол тури бўйича мусобақанинг маҳалла босқичлари юқори савияда ўтказилди.

Волейбол???????? мусобақаси 16-21 ёш ва 22-26 ёш тоифасидаги маҳалла ёшлари кўчалар кесимида ўтказилди ва мусобақада ғолиб бўлган жамоалар мусобақанинг сектор босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

???? 15 сентябр куни барча маҳаллаларда Енгил атлетика мусобақаси бўлиб ўтади.

2022-09-15 05:30:00